

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РУЗИЕВА ЗИЛОЛА МУСТАФАЕВНА

**РУС ТИЛИДАГИ ТУГАЛЛАНГАНЛИК ВА ТУГАЛЛАНМАГАНЛИК
ФЕЪЛ КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА РЎЎБГА ЧИҚИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Рузиева Зилола Мустафаевна

Рус тилидаги тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категориясининг
ўзбек тилида рўёбга чиқиши.....3

Рузиева Зилола Мустафаевна

Реализация категории вида в русском языке и способы её передачи на
узбекский язык.....27

Ruzieva Zilola Mustafaevna

Implementation of the category of the verb aspect in Russian and the methods of its
expression in the Uzbek language.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РУЗИЕВА ЗИЛОЛА МУСТАФАЕВНА

**РУС ТИЛИДАГИ ТУГАЛЛАНГАНЛИК ВА
ТУГАЛЛАНМАГАНЛИК ФЕЪЛ КАТЕГОРИЯСИНИНГ
ЎЗБЕК ТИЛИДА РЎЎБГА ЧИҚИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2. PhD/Fil605 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fil-ik.urdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сапарова Кундуз Отабосвна,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саидов Ёқуб Сиддиқович,
филология фанлари доктори, профессор

Чўпонов Отаназар Отажонович,
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 Илмий кенгашнинг 2022 йил « 1 » апрель соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.)

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (A-655 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2022 йил « 19 » март да тарқатилди.
(2022 йил « 19 » март даги 7 рақамли реестр баённомаси.)



З.А.С
З.Дўсимов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

С.М.Сариев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (DSc), доцент

А.Д.Ўразбоев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., филол.ф.д., доцент

КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўрганиш, тавсифлаш ва ўқитиш мураккаб деб тан олинган кўплаб тил ҳодисалари мавжуд. Улар орасида рус ва ўзбек тилларидаги феълларнинг лексик ҳамда грамматик хусусиятлари, хусусан, вид категорияси, унга оид мураккаб масалаларни синхрон-қиёсий жиҳатдан кўриб чиқиш, категориянинг вазифаси, изчиллиги, тузилма даражасидаги мақоми, миллий хусусиятлари ва тиллараро мувофиқлигини янгича англаш учун аниқ асос яратиш алоҳида долзарблик ва илмий аҳамият касб этади.

Жаҳон лингвистикасида турли тизимли тиллар вид категориясининг типологик қарама-қаршиликлари етарли даражада ўрганилмаганлиги қиёсий тилшуносликнинг “муаммоли” йўналишларидан бири ҳисобланади ва, биринчи навбатда, тилларнинг ҳар хил типологик мансублиги, уларнинг лексик ва грамматик тузилмаси хусусиятлари вид категориясининг лексик ва грамматик воситаларининг ҳам ўзига хослигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида вид категорияси асосий мунозарали масалалардан бири ҳисобланади, чунки ўзбек тилидаги феълнинг барча вид шакллари замон ва маконда ҳаракат босқичларининг хусусиятини ифодалайди ва феъл ҳаракати тарзининг ифодаловчиси ҳисобланади. Вид категорияси рус феъл лексемасининг ўзига хос хусусияти бўлиб, рус тили грамматикасининг энг мураккаб бўлимларидан бирини ҳосил қилади. Таълим ўзбек тилида олиб борилаётган талабаларнинг нутқида кўп учрайдиган грамматик хатолар бундан далолат беради. Буларнинг барчаси рус тилидаги феъл сўз туркумининг ўзига хос семантикасини ўзбек тилида ифодалаш йўлларини, шунингдек, ўзбек тилидаги тур-замон тизими доирасида ажратиш ва таърифлаш мумкин бўлган асл вид маъноларини ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги қарорларида; Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сон қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирокни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-

тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонларида ва бошқа илм-фан соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишда кўмаклашади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Феъл ва унинг лексик-грамматик хусусиятлари Ф.И. Буслаев, В.В. Виноградов, А.Х. Востоков, А.М. Пешковский, Ф.Ф. Фортунатов, А.А. Шахматов, Э. Кошмидер каби тадқиқотчи-тилшуносларнинг доимо диққат марказида бўлиб келган.

Е.Д. Поливанов, А.Н. Кононов, В.В. Решетов, А.А. Азизов, Ш.Шукуров, М.Содикова¹ ва бошқа кўпгина тилшуносларнинг илмий асарлари феълнинг замон, даража, майл каби грамматик категорияларини ўрганишга бағишланган.

Охирги ўн йилликлардаги диссертацияларда феъл вид категориясининг турли жиҳатлари ҳам таҳлил қилинган. Хусусан, Е.Я. Титаренко, Т.А. Мешкова² тадқиқотида перфект ва имперфект феълларнинг маънолари лексикологик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилинади. Уларнинг комбинаторлик ва сўз ҳосил қилиш хусусиятлари Е.М. Бразаускане, В.Э.Морозова³ тадқиқотларида батафсил кўриб чиқилган. “Чегара – чегарасизлик” (Ю.М. Гордеев, С.И. Холод, В.В. Гуревич⁴) маъноси, феълларнинг тугалланган ва тугалланмаган вид категорияларининг функционал ва услубий хусусиятлари (М.А. Мухамед, Н.Е. Ким, Шейхи

¹Буслаев Ф.И. Учебник русской грамматики, сближенной с церковнославянской. – М.: Бр. Салаевы, 1874. – 214 с. // <http://books.e-heritage.ru/book/10075852https://www.twirpx.com/file/2090093/>; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956. – 122 с.; Фортунатов Ф.Ф. О залогах русского глагола. – Санкт-Петербург: Тип. Имп. акад. наук. 1899. – 8 с. // <https://www.prlib.ru/item/352236>; Шахматов А.А. Очерк современного русского литературного языка. – М., 1941. – 378 с.; Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1933. – 182 с.; Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. – Ташкент, 1965. – 243 с.; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1960, –216 с.; Азизов А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. – Ташкент: Учпедгиз, 1960. – 200 с.; Шукуров Ш. Развитие времен глагола в узбекском языке. – Ташкент: Фан, 1976. – 160 с.; Содикова М. Феъл стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – 108 б.

²Мешкова Т.А. Словообразовательные типы префиксальных глаголов: функциональный аспект: на материале произведений Ф. Прокоповича: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград, 2013. – 19 с.

³Бразаускане Е.М. Словообразовательный потенциал префиксальных глаголов современного русского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1991. – 18 с.; Морозов В.Э. Грамматическая категория вида русского глагола и ее функционирование в коммуникативном акте Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Москва, 2003. – 50 с.

⁴Гордеев Ю.М. Поле направленности (глаголы движения и их распространители) в современном русском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Саратов, 1974. – 19 с.; Холод С.И. Предельность/непредельность глаголов движения в современном русском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тюмень, 2004. – 20 с.; Гуревич В.В. Глагольный вид в русском языке: значение и употребление. – М.: Наука, 2008. – С. 19-21.

Джоландан Нахид⁵), уларнинг семантик ва грамматик белгилари (Т.Д. Сергеева, А.И. Нечаева⁶) билан боғлиқ масалалар ўрганилди.

Лингвометодик жиҳатдан рус ва ўзбек тиллари материалларига асосланган феълларнинг тугалланган ва тугалланмаган вид категорияларининг қиёсий тавсифлари мавжуд (У.И. Юлдашева, О. Азизов, М. Мирзаев, А. Сафаев, А. Бурибеков, Ш.М. Жалолова⁷). Биз ўрганишни мақсад қилган феъл категорияси масаласига О. Мавлонбердиеванинг⁸ номзодлик диссертациясида ҳам мурожаат қилинган, лекин мазкур илмий ишда фақат ҳаракат феълларининг грамматик категориялари кўриб чиқилган, бироқ вид категорияси бевосита тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Баъзи туркологлар томонидан виднинг грамматик категория сифатида мавжудлиги умуман инкор этилади ва ҳаракатнинг ўзига хос вид маънолари ҳаракат усуллари сифатида белгиланади (Б.А. Серебренников, А. Хожиев⁹). Бошқа олимларнинг фикрича эса, деярли барча мураккаб тизимлар феълнинг вид шакллари бўлиб, ўзбек тилининг видлар тизими рус тилининг видлар тизими схемаси бўйича ўрганилади (А.А. Юлдашев, И.Е. Маманов¹⁰).

Бир қатор илмий-тадқиқот ишлари мавжудлигига қарамадан, рус тилида феълнинг вид категорияси ва унинг ўзбек тилидаги мос тури масаласи етарли даражада ўрганилмай қолмоқда: рус тилида феълнинг види қандай ифодаланади, деган саволга ҳали аниқ жавоб йўқ, вид семантикасини ўзбек тилида ифодалаш йўлларининг таърифи ҳам етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишларининг “Тил сатҳлари ҳодисаларини қиёслаш муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

⁵Мухамед А.М. Функционирование русских глаголов движения и перемещения в текстах разного типа: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Минск, 1984. – 18 с.; Ким Н.Е. Обучение виду русского глагола корейских студентоав на филологическом факультете: Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Москва, 2004. – 20 с.; Шейхи Джоландан Нахид. Функционирование несовершенного вида глагола в русском языке: проблемные случаи для носителей персидского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 2011. – 22 с.

⁶Сергеева Т.Д. Лексико-грамматические связи глаголов движения на внутривидовом и межкатегориальном уровне: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Томск, 1977. – 18 с.; Нечаева А.И. Система обучения иностранных студентов-филологов использованию видов глагола в русской речи: Автореф. дисс. ...докт. пед. наук. – Москва, 1998. – 38 с.

⁷Юлдашева У.И. Семантико-синтаксическая структура предложений с двувалентными глаголами в русском и узбекском языках: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Душанбе, 2006. – 20 с.; Азизов О., Мирзаев М., Сафаев А., Бурибеков А. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 56-58; Жалолова Ш.М. Инглиз ва ўзбек тилларида феъл турларининг чоғиштирма тадқиқи: Фалсафа фанлари бўйича филол. докт. (PhD) ...дисс. автореф. – Ташкент, 2009. – 22 с.

⁸Мавлонбердиева О.Э. Синхронно-сопоставительная характеристика глаголов движения в русском и узбекском языках: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Худжанд, 2011. – 22 с.

⁹Серебренников Б.А. Категория времени и вида в финно-угорских языках пермской и волжской групп. – М., 1960. – 300 с., Хожиев А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973. – 190 с.

¹⁰Юлдашев А.А. Система словообразования и спряжение глагола в башкирском языке. – М., 1958. – С. 81-86; Маманов И.Е. Вспомогательные глаголы в казахском языке. – Алма-Ата, 1949. – С. 69-72.

Тадқиқотнинг мақсади рус тилида тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) вид категорияларидаги жуфтланган / жуфтланмаган феълларнинг семантик ва грамматик хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзбек тилида ифодаланиш усуллари тизимли таҳлил қилиш ва тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вид категориясига оид тадқиқотлар тарихи ва унинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, рус тилидаги феъл сўз туркумининг лексик-грамматик категориялари тизимидаги ўрнини аниқлаш;

вид категориясининг аспектиаллик ва темпораллик категориялари билан бўлган ўзаро муносабатини ёритиб бериш;

рус тилидаги феъл видларини таснифлаш мезонларини таърифлаш;

рус тилида тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) вид категорияларидаги жуфтланган феълларнинг семантик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

икки видли ҳамда бир видли жуфтланмаган феълларнинг семантикаси ва грамматик хусусиятларини аниқлаш;

рус тилидаги феъл сўз туркуми вид маъноларини ўзбек тилида ифодалаш усуллари аниқлаш ва таърифлаш.

Тадқиқотнинг объекти – рус тилида феъл сўз туркумига хос вид категорияси ва унинг ўзбек тилида рўёбга чиқиш хусусиятлари.

Тадқиқот предмети – рус тилида тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) вид турларидаги жуфтлашган / жуфтлашмаган феълларнинг семантик-грамматик хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзбек тилида ифодаланиш усуллари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвистик тавсиф усули (тадқиқот объекти сифатида вид категориясини таҳлил қилиш ва тавсифлаш учун), қиёсий усул (рус ва ўзбек тилларидаги феълларнинг вид категорияси маъноларини ифодалашдаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш), компонентли таҳлил қилиш усули (тугалланган ва тугалланмаган вид турларидаги феъллар қарама-қаршиликларини шакллантириш учун муҳим бўлган семаларни аниқлаш), морфемик ва сўз ҳосил қилиш таҳлил усуллари (вид шаклларидаги ҳосил бўлиш усуллари белгилаш), контекстуал таҳлил усули (рус адабий матнида жуфтланган ва жуфтланмаган феълларнинг ўзига хос семантикаси ҳамда уни ўзбек тилига таржима қилиш усуллари ўрнатиш ва таҳлил қилиш учун)дан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диссертацияда илк бора:

парадигматика ва феъл шаклларидаги бирикишини белгиловчи рус тилидаги феълнинг вид категорияси, ҳаракатнинг ички темпорал тузилиши, унинг субъект ва объектга бўлган муносабати ўзаро боғлиқлиги асосланган;

ўзбек тилида вид категориясининг семантикаси, аналитик ва синтетик шакллар билан ифодаланиши, ҳаракат бажарилишининг турли маъноларини акс эттирувчи таркибий феълларнинг кенг ривожланиши тавсифланган;

Ўзбек тилида вид категорияси йўқлиги сабабли замонда ҳаракатнинг бориши, чегараси ва натижасини ифодаловчи замон шаклларининг компенсацион тизими аниқланган ва тавсифланган;

Ўзбек тилида ҳаракатнинг тўлиқлиги ёки давомийлигини ифода этувчи *ёрдамчи феъллар*нинг рус тилидаги (совершенный ва несовершенный вид) видни ташкил этувчи *формантлар* номувофиқлиги исботланган;

рус тилида жуфтланган (совершенный / несовершенный видлари) ва жуфтланмаган (икки видга эга ва бир видга эга) феълларнинг бирикиши, парадигма таркиби ва негиз тузилиши билан фарқ қилувчи вид маънолари аниқланган ҳамда уларнинг ўзбек тилида рўёбга чиқиш усуллари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

феъл вид категориясининг аспектиаллик ва темпораллик категориялари билан ўзаро боғлиқлиги асослаб берилган;

рус тилидаги тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категориясининг семантик-грамматик хусусиятлари очиқ берилган;

икки видли ҳамда бир видли феълларнинг семантик - грамматик белгилари аниқланган ва тавсифланган;

рус ва ўзбек тилидаги феълларнинг вид маъноларини ифодалашда ўхшашлик ҳамда фарқли жиҳатлари аниқланган;

рус тилидаги феъл вид маъноларининг ўзбек тилида рўёбга чиқиш усуллари аниқланган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзуни ўрганиш жараёнида кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги, аниқлиги, илмий ёндашув ва усулларнинг самарадорлиги, амалий-назарий маълумотларнинг аниқлиги, илмий хулосалар, таклифлар ва натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан маъқулланганлиги ҳамда тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти рус тилида тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) вид турларидаги жуфтланган / жуфтланмаган феълларнинг семантик ва грамматик хусусиятларини ёритиш, рус ва ўзбек тилларидаги феълларнинг вид маъноларини ифодалашда ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни ўрнатиш, шунингдек, рус тилидаги феъл вид маъноларининг ўзбек тилида рўёбга чиқиш усуллари тизимини аниқлаш билан белгиланади. Шунингдек, рус тилида феълга хос вид категорияси ҳамда уни ўзбек тилида рўёбга чиқиш усулларини ўрганиш методикаси феълнинг бошқа лексик-грамматик категорияларини ўрганишда таҳлил модели бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти тадқиқот хулосалари ва материалларидан олий ўқув юртлари ўқув жараёнида “Замонавий рус тили”, “Замонавий ўзбек тили”, “Рус ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси”, “Таржима назарияси” бўйича маъруза ва амалий машғулотлар олиб боришда, диссертация ва монография тадқиқотлари олиб боришда, ўқув

адабиётлар ҳамда луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рус тилидаги тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категорияси, унинг ўзбек тилида рўёбга чиқиши бўйича тадқиқотдаги назарий таклифлар, амалий тавсиялар ва хулосалар асосида:

рус тилидаги тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категориясининг ўзбек тилида рўёбга чиқиши асосланган ва феъл шакллари кўрсатилганлиги хусусидаги ҳамда ўзбек тилида вид категориясининг семантикаси, аналитик ва синтетик шакллар билан ифодаланиши, ўзбек тилида замонда ҳаракатнинг бориши, чегараси ва натижасини ифодаловчи замон шакллариининг компенсацион тизими, рус тилида жуфтланган (совершенный / несовершенный видлари) ва жуфтланмаган (икки видга эга ва бир видга эга) феълларнинг маънолари, уларнинг ўзбек тилида рўёбга чиқиш усуллари, ўзбек тилида ҳаракатнинг тўлиқлиги ёки давомийлигини ифода этувчи *ёрдамчи феълларнинг рус тилидаги совершенный* ва *несовершенный* видларни ташкил этувчи *формантлар* номувофиклиги бўйича олинган хулосалар ва илмий янгиликлардан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида 2017-2020 йилларда бажарилган ФЗ-2016-0908165532-рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 23 июлдаги 157-сонли маълумотномаси). Диссертация материалларидан фойдаланиш натижасида лойиҳадаги тил ўқитишнинг таҳлили ва изоҳлари мукаммалашган;

ўзбек тилидаги вид категориясининг семантикаси, аналитик ва синтетик шакллар билан ифодаланиши, ҳаракат бажарилишининг турли маъноларини акс эттирувчи таркибий феълларнинг кенг ривожланиши тавсифланганлиги, шунингдек, ўзбек тилида вид категорияси йуклиги сабабли замонда ҳаракатнинг бориши, чегараси ва натижасини ифодаловчи замон шакллариининг компенсацион тизими, ўзбек тилида ҳаракатнинг тўлиқлиги ёки давомийлигини ифода этувчи *ёрдамчи феълларнинг рус тилидаги (совершенный* ва *несовершенный* вид) видни ташкил этувчи *формантлар* номувофиклиги тўғрисидаги фикр - мулоҳазалар ва илмий маълумотлардан Хоразм Маъмун академиясида 2017 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 мартдаги 49-баёни билан тасдиқланган хўжалик шартномаси асосида амалга оширилган “Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимату-л-адаб” асарини таржима қилиш ва чоп қилиш” (лойиҳа раҳбари Ш. Қодиров) А-ФА-2017-5 рақамли амалий грант лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Хоразм Маъмун Академиясининг 2021 йил 14 сентябрдаги 265/1-21-сонли маълумотномаси). Натижада асар таржимаси мазмуни турли тизимли (рус ва ўзбек) тиллардаги феълларнинг вид категорияси борасидаги илмий

маълумотлар билан бойитилган;

рус тилидаги феълнинг вид категорияси ҳаракатнинг ички темпорал тузилиши, унинг субъект ва объектга бўлган муносабати билан ўзаро боғлиқлиги, туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида вид категорияси йўқлиги сабабли замонда ҳаракатнинг бориши, чегараси ва натижасини ифодаловчи замон шакллари *компенсацион тизими*, ҳаракатнинг тўлиқлиги ёки давомийлигини ифода этувчи ёрдамчи феълларнинг рус тилидаги *совершенный* ва *несовершенный* видларни ташкил этувчи *формантлар* номувофиқлиги, рус тилида жуфтланган (*совершенный / несовершенный* видлар) ва жуфтланмаган (икки видга эга ва бир видга эга) феълларнинг бирикиши, парадигма таркиби ва негиз тузилиши билан фарқ қилувчи вид маънолари ҳамда уларнинг ўзбек тилида рўёбга чиқиш усуллари тўғрисидаги амалий таклиф, хулоса ва материаллардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда амалга оширилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 29 ноябрдаги 367/1-сонли маълумотномаси). Тадқиқот материалларидан фойдаланиш натижасида лойиҳадаги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши изоҳлари илмий маълумотлар билан бойитилган;

рус тилидаги феълнинг вид категорияси ҳаракатнинг ички темпорал тузилиши, унинг субъект ва объектга бўлган муносабати билан ўзаро боғлиқлиги, ўзбек тилида вид категориясининг семантикаси, ўзбек тилида вид категорияси йўқлиги сабабли замонда ҳаракатнинг бориши, чегараси ва натижасини ифодаловчи замон шакллари *компенсацион тизими*, ўзбек тилида ҳаракатнинг тўлиқлиги ёки давомийлигини ифода этувчи ёрдамчи феълларнинг рус тилидаги *совершенный* ва *несовершенный* видларни ташкил этувчи *формантлар* номувофиқлиги, рус тилида жуфтланган (*совершенный / несовершенный* видлари) ва жуфтланмаган (икки видга эга ва бир видга эга) феълларнинг бирикиши, парадигма таркиби ва негиз тузилиши билан фарқ қилувчи вид маънолари ҳамда уларни ўзбек тилида рўёбга чиқиш усуллари тўғрисидаги амалий таклиф, хулоса ва материаллардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан бажарилган № ИТД-1, А-1-209 «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» мавзуидаги амалий лойиҳа доирасида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетининг 2021 йил 12 июлдаги 14 1/544-сонли маълумотномаси). Натижада яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмуни турли тизимли (рус ва ўзбек) тиллардаги

фёълларнинг вид категорияси борасидаги илмий маълумотлар билан бойитилган;

парадигматика ва фёъл шаклларнинг бирикишини белгиловчи рус тилидаги фёълнинг вид категорияси, ҳаракатнинг ички темпорал тузилиши, унинг субъект ва объектга бўлган муносабати боғлиқлиги каби жиҳатлар, ўзбек тилида вид категориясининг семантикаси, аналитик ва синтетик шакллар билан ифодаланганлиги, ҳаракат бажарилишининг турли маъноларини тавсифлаш орқали таркибий фёълларнинг кенг ривожланиши, замон шаклларининг компенсацион тизими, ўзбек тилида ҳаракатнинг тўлиқлиги ёки давомийлигини ифода этувчи ёрдамчи фёълларнинг рус тилидаги *совершенный* ва *несовершенный* видларни ташкил этувчи формантлар номувофиклиги каби назарий асосланган мулоҳазалардан “Хотира ва кадрлаш куни”га бағишланган тадбирлар сценарийларини ишлаб чиқишда, Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи ва Томди туманидаги Болалар шаҳарчасида “Эътибор ва ғамхўрлик – муқаддас бурч”, “Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш”, “Маънавиятли ёшлар Ватанни мадҳ этади”, “Нуронийлар ёшларга қанот” ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида “Ёшлар ва қонун” каби маънавий ва маърифий тадбирларни ўтказишда кенг фойдаланилган (Навоий вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 17 июлдаги 06-19/1204-сонли маълумотномаси). Натижада байрам муносабати билан ташкиллаштирилган телекўрсатувларнинг сценарийлари, давра суҳбатлари, дастурларнинг мазмуни турли тизимли (рус ва ўзбек) тиллардаги вид категориясининг ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий маълумотлар билан бойитилган ва тайёрланган материалларнинг илмий аҳамиятини оширишга хизмат қилган;

тугалланганлик ва тугалланмаганлик фёъл категорияси (вид)нинг лексик ва грамматик категориялар тизимидаги ўрни, унинг семантикасини ўзбек тилида ифодалаш, вид категорияси йўқлиги сабабли ўзбек тилида ҳаракатнинг бориши, натижасини ифодаловчи замон компенсацион тизими, ўзбек тилидаги тугаллик ва давомлилик маъносини ифодаловчи кўмакчи фёъллар билан рус тилидаги *совершенный* ва *несовершенный* видни ҳосил қилувчи формантлар каби тушунчаларни тенглаштириб бўлмаслиги сингари фикр-мулоҳазалари ва таклиф-тавсияларидан Навоий вилояти Миллий телерадиокомпаниясининг “Диёр 24”, “Таълим ислоҳоти” номли махсус кўрсатувларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Навоий вилояти Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 июлдаги 01-02/76 -сонли маълумотномаси). Натижада диссертациядаги турли тизимли (рус ва ўзбек) тиллардаги видлар категориясининг ўзига хос хусусиятларига доир илмий, амалий ва методологик ғоялар кенг жамоатчиликка трансформациялаш мақсад қилиб олинган ва бунга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий позициялари, хулосалари ва тавсиялари НавДПИ профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманларида, 4 та

республика ҳамда халқаро илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 3 таси хорижий илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Феълнинг лексик-грамматик категориялар тизимида вид категорияси**» номли биринчи бобида феълнинг вид категориясини ўрганиш тарихи ёритилади, ўрганилаётган категория бўйича тилшуносларнинг турли қарашлари таҳлил қилинади, вид хоссаларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бошқа грамматик белгилар тизимидаги ўрни тавсифланади Шакл ва мазмун жиҳатдан изоҳланадиган рус тилидаги феъл вид категориясининг тадқиқ қилиш хронологиясида бир нечта босқич ажратилган: XVI-XVIII асрлар, XIX аср, XX аср ва ҳозирги замон.

Рус тилидаги феълнинг вид компоненти XVI аср охири XVIII аср бошларида М. Смотрицкий ва Ю. Крижанич¹¹ грамматикаларида ўрганилган. Ушбу категория замон шаклларига бой тизимнинг ўрнини босди, бироқ таниқли рус олимлари (Н.И. Грех, А.Х. Востоков ва бошқалар) тадқиқотларида у замон категориясидан аниқ ажратилмаган.

Тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категориясини ўрганишнинг дастлабки босқичини XIX аср билан боғлаб, А.Х. Востоков (вид – жараённинг турли лаҳзаларини акс эттириш сифатида: жараённинг натижаси ва охири тугалланган (совершенный) вид маъносидир, ҳаракатнинг ўртаси маъноси тугалланмаган (несовершенный) видга хосдир¹²), Г.П. Павский (вид компоненти жараён сифатининг хилма-хиллигини ифодаловчи компонент сифатида – процессуал белгилар

¹¹Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Ч. IV. Глагол. – М., 1941 // <http://stcereserv.narod.ru/rusling/ryjava2.html>.

¹²Востоков А.Х. Русская грамматика. – СПб. Тип. Глазунова. 1831. – 449 с. // <https://www.twirpx.com/file/2090093/>.

сифатида фарқни кўрсатадиган феъл видлари билан белгиланадиган жараённинг давомийлиги уч даража назарияси¹³), К.С Аксаков (замонларни видлар билан бирлаштириш¹⁴), Г.П. Некрасов (феъл шакллари замонни эмас, балки жараённинг сифатини ифодалайди¹⁵), А.А. Потебня (вид бу – ҳаракат ёки ҳолат билан тўлдирилган вақт давомийлиги даражаси¹⁶) томонларидан таклиф қилинган бир нечта қоидаларни таъкидлаш мумкин.

Видлар назарияси Г.К. Ульянов, Ф.Ф. Фортунатов, А.А. Шахматов, Б.А. Богородицкий, А.М. Пешковский, В.В. Виноградовларнинг илмий ишларида янада ривожлантирилди, уларда вид категорияси ҳаракатнинг сифат хусусиятларини кўрсатадиган категория деб тан олинди. Хусусан, “ҳаракат чегараси белгиси, натижага эришилганлик, ҳаракатнинг давомийлиги чеклаш ёки йўқ қилиш белгиси”ни ифодаловчи тугалланган (совершенный) вид қарама-қаршилигининг “кучли” аъзоси вазифасини бажаради, “заиф” аъзонинг ролини тугалланмаган (несовершенный) вид эгаллайди¹⁷.

Вид назариясини ўрганишнинг кейинги босқичларида (XX аср) *ички чегара* тушунчаси киритилади. Тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категорияси ҳаракатнинг боришини ифодалашдаги фарқларни билдирадиган ҳамда *совершенный* ва *несовершенный* видларнинг қарама-қарши грамматик шакллари тизимида ёки турли хил сўзларнинг қарама-қаршилигида ўз ифодасини топадиган грамматик категория сифатида ўрганилади (А.Б. Бондарко, Л.Л. Буланин). Шунингдек, рус тилшунослигида тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) вид феълларининг турлараро боғлиқлигини семантик жиҳатдан текширишнинг самарали воситаси сифатида “Маслов мезонлари” қўлланила бошланди.

Ҳаракат чегараси тугалланган (совершенный) вид феълларига хос бўлиб, тугалланмаган (несовершенный) вид феълларига хос эмас. Умуман олганда, вид категорияси ҳам сўз ўзгартирувчи, ҳам сўз ясовчи категория белгиларига эга бўлиб, феъл бирликларининг лексик-семантик хусусиятлари билан узвий боғлиқдир: семантик жиҳатдан ҳар қандай фарқ вид шакли билан белгиланади, феъл лексемаларининг синтактик бирикишига, гап ва матнларнинг тузилишига таъсир қилади.

Вид категорияси аспектualлик категориясининг асосий қисмидир. Аспектualлик мазмуни ҳаракат боришининг сифати бўлиб, сўз ясовчи ва лексик воситалар эса гапнинг баъзи синтактик элементлар иштироки билан унинг ифодасини ташкил қилади.

¹³Павский Г.П. Филологические наблюдения над составом русского языка. Рассуждения 1-3. – СПб.: Тип. Имп. Акад. наук, 1841-1842. – 251 с. // <http://books.e-heritage.ru/book/10095892>.

¹⁴Аксаков К.С. О русских глаголах. – М.: В тип. Степановой, 1855. – С. 14. // <http://aksakov-k-s.lit-info.ru/aksakov-k-s/kritika-ob-aksakove/o-russkih-glagolah>.

¹⁵Некрасов Н.П. О значении форм русского глагола. – СПб., 1865. – С. 149. // https://meshok.net/item/219171914_Н_Некрасов_О_значении_форм_русского_глагола_1865_г.

¹⁶Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. – М., 2010. – С. 123.

¹⁷Виноградов В.В. Русский язык (грамматическое учение о слове) / Под. ред. Г.А. Золотовой. – М.: Русский язык, 2001. – С. 258.

Вид ва ҳаракат усули ифодаланиш жиҳатидан фарқ қилади: вид кенг кўламли аниқ парадигматик қарама-қаршиликларни шакллантиради, ҳаракат усуллари эса грамматик категориялар бўлиб, парадигматик қарама-қаршиликларни ҳосил қилмайди, феъллар орасидаги лексик фарқлар доирасида қолади¹⁸.

Тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категорияси қуйидаги категорик хусусиятларига эга: 1) икки видга эга; 2) универсаллик; 3) вид-замон муносабати.

Феълнинг замон ва вид категориялари мустақил, турли, аммо бир-бирига боғлиқ грамматик компонентлардир. Улар шакллар тизими, маънолари, ифода воситалари ва бошқалар билан фарқланади.

Феълнинг вид белгилари замон хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, матнда замон грамматик шаклининг мавжудлигига таъсир қилади. Ҳар қандай замон шакли тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категорияси маъносига эга бўлиши мумкин, бироқ ҳамма феъллар ҳам замон маъносига эга бўлмайди, масалан, тугалланган (совершенный) вид феъллари ҳозирги замон шаклига эга эмас.

Феъл замони сўз ўзгартирувчи типидagi морфологик категориядир. Ҳар бир феъл замон шаклларига эга: ўтган, ҳозирги, келаси замон. Фақат ўтган, фақат ҳозирги ёки фақат келаси замонни ифодаловчи феъллар қатори йўқ.

Тугалланмаган (несовершенный) вид феъллар негизидан учала замон шакли, тугалланган (совершенный) вид феъллари негизидан эса иккита замон шакли ҳосил бўлади. Замон парадигмасининг тўлиқ эмаслиги унинг вид парадигмаси билан ўзаро боғлиқлигидадир. Агар феъл бирлиги фақат битта видда мавжуд бўлса, унда у замон шакллариининг бир қисмидан маҳрум бўлади. Бу шуни англатадики, феълнинг замони сўз ўзгартирувчи категориядир, унинг парадигмаси видга боғлиқ. Замон категорияси вид категорияси орқали лексика билан боғлиқдир.

Замон шаклларига хос бўлган грамматик маънолар:

1) нутқ momenti муносабатига кўра: нутқ momentiда ҳам давом этадиган (ҳозирги замон), momentигача бўлган (ўтган замон) ва нутқ momentидан сўнг (келаси замон) бўлган ҳаракат маъноларидир;

2) вид ва замон ўзаро боғлиқ: вид замон шакллариининг парадигматикасини белгилайди, замон шаклларида вид категорияси мавжуд.

Феъл туркумига хос сўзларнинг турли хил маъноларига кўра, тугалланганлик ва тугалланмаганлик феъл категориясининг таснифини ўз ичида тугалланмаган (несовершенный) ва тугалланган (совершенный) вид феъллари оладиган вид жуфтликлари, бир видга ҳамда икки видга эга феъллар билан ифодаланади. Лексик маъно бўйича бир хил (кўп маъноли феъллар учун) ёки қисман бир хил бўлган грамматик маъно жиҳатидан

¹⁸Маслов Ю.С. Избранные труды. Аспектология. Общее языкознание. – М.: Языки славянской культуры, 2004. – С. 71.

карама-қарши қўйилган карама-қарши виддаги феъллар вид категориясининг негизини ташкил этади. Фақат тугалланган (совершенный) вид ёки фақат тугалланмаган (несовершенный) вид маънолари билан ифодаланадиган феъл сўз шакллари *бир видга эга феъллар* деб номланади. Икки видга эга феъллар гуруҳи шакл жиҳатдан бир хил бўлиб, бир-биридан вид маъноси билан фарқ қилади.

Шундай қилиб, рус тилидаги вид категорияси барча феъл лексема ва шакллари камраб олган ҳолда феъл шакллари парадигматикасига ва уларнинг бирикишига таъсир қилади, феълнинг лексик маъноси билан бир томондан, феъл сўз ясалиши билан иккинчи томондан ўзаро таъсир қилади. Вид категорияси ҳаракатнинг ички темпорал тузилиши, унинг ҳақиқати / реаллиги ҳамда субъект ва объектга муносабати билан чамбарчас боғлиқдир.

Диссертациянинг **“Рус тилидаги феъл сўз туркуми тугалланган (совершенный) видининг семантик-грамматик белгилари ва уларни рўёбга чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари”** номли иккинчи бобда рус перфективининг семантик-грамматик белгилари ва уларни ўзбек тилида ифодалаш усуллари таҳлил қилинган.

Рус ва ўзбек тилидаги феъллар шахс ва нарсаларнинг ҳаракатини ёки ҳолатини билдиради ҳамда даража, нисбат категорияси, ўтимли ва ўтимсизлик, замон, майл, шахс-сон каби морфологик белгиларга эга.

Ўзбек тилидаги феъл лексемаларининг рус тилидагидан фарқи вид ва род категорияларининг йўқлигидадир. Бироқ улар турли замон шакллари мажмуаси, ҳаракат номи мавжудлиги билан қопланади.

Ўзбек тилида бошланғич феъл шакли вазифаси иккинчи шахс бирлик сон (*ўтир – сиди*) буйруқ майлининг феъл негизи билан амалга оширилади, ундан турли хил қўшимчалар ёрдамида шахс-сон, замон, даража, майл каби категорияларнинг барча шакллари ҳосил қилиш мумкин.

Рус тилидаги феълнинг ноаниқ шакли мазмунини ўзбек тилида ифодалаш учун кўпинча *-моқ, -иш* қўшимчалари ишлатилади (*ўтирмоқ – ўтириш – сидеть*), лекин турли хил аффиксларни қўшганда *-моқ, -иш* қўшимчали сўзларни рус тилидаги феълнинг ноаниқ шакли эквиваленти сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Рус тилида феъл иккита негизга эга: ноаниқ шаклнинг асоси ва ҳозирги замоннинг негизи. Ўзбек тилидаги феълнинг сўз шакли битта асосга эга бўлиб, бу буйруқ майлининг иккинчи шахс-сон шаклининг мустақил маъносини англатувчи феълдир, масалан, *ўйна-моқ* (инфинитив), *ўйна-* (2-шахс-соннинг буйруқ майли), *ўйна-дим* (ўтган замон) ва бошқалар.

Вақт давомида ҳаракатнинг амалга оширилиши усулини ифодаловчи, унинг ички чегараси билан боғлиқлигини тавсифловчи маънолар *вид маънолари* деб номланади. Улар рус тилида иккита гуруҳни ажратишга имкон беради: бир-биридан семантик ва грамматик жиҳатдан фарқ қиладиган тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) вид феъллари.

Тугалланмаган (несовершенный) вид феъллари (имперфект феъллар) чегараланмаган ҳаракатни билдиради (*тугалланмаган ҳаракат*). Масалан: *Все больные сидели на скамьях, не шевелились и молчали* (А.П. Чехов «Беглец»). – *Ҳамма беморлар скамейкаларда қимир этмай, жим ўтирарди* (А.П. Чехов “Қочоқ”. Х. Ахророва тарж.).

Тугалланган (совершенный) вид феъллари (перфект феъллар) чегараланган ҳаракатни билдиради (*тугалланган ҳаракат*). Масалан: *Я прыгнула на подножку и обернулась через плечо* (Ч. Айтматов «Первый учитель»). *Бир сакраб вагон зинапоясига чиқдим-да орқамга қайрилиб қарадим*.

Рус тилида перфект ва имперфект феъллар фарқлари кўйидагилар: имперфект феъллар тўлиқ замон парадигмасига эга – ўтган, ҳозирги ва келаси замон шакллари (*учил, учу, буду учить*), перфект феълларда тўлиқ бўлмаган замон парадигмаси мавжуд – улар ҳозирги замон шаклидан маҳрум (*выучил, выучу*); *несовершенный вид* келаси замон шакли аналитик усул (*буду учить*) билан, *совершенный вид* келаси замон шакли эса синтетик усул (*выучу*) билан ясалади; перфект феъллар фаза феъллари ҳамда чексиз давомийликни, доимий такрорланишни ифодаловчи, модал ва салбий баҳо маъноларини англатувчи сўзлар билан бирикмайди.

Тугалланган (совершенный) вид маъноси унинг ички маъхум чегарасига етган ҳаракат (В.В. Виноградов) билан белгиланади. Тугалланган (совершенный) вид феъллари бутун, бўлинмайдиган ҳаракатни ифодалайди (А.В. Бондарко, Л.Л. Буланин). Тугалланган (совершенный) вид морфологик семантикага эга бўлиб, вид қарама-қаршилигининг “кучли”, тугалланмаган (несовершенный) вид эса “кучсиз” аъзосидир (А.В. Бондарко). Н.С. Авилованинг сўзларига кўра, тугалланган (совершенный) вид “шундай танқидий нукта таъсирининг сифатли маъхум чегарасига эришишни акс эттиради, унга эришиш учун ҳаракат ўзини тугатиб, тўхташи керак”¹⁹.

Перфект феъл види ҳаракатнинг бир қарралигини, вақтинчалик чекланган давомийлигини, тўлиқлиги ва бир натижага эришганлигини англатади (*что сделать?*).

Чекланган феълларни грамматик жиҳатдан учта майлда – аниқлик, буйруқ ёки шарт майлида қўллаш орқали шакллантириш мумкин; аниқлик майлидаги ўтган ва келаси содда замон шаклида (*что сделал? – написал; что сделают? – напишут*); темпорал маънога эга сўзлар билан (*вдруг, внезапно, неожиданно*), жараённинг тугалланганлиги, натижасини билдирадиган сўзлар билан (*за всё время, за целый год, за восемь часов*) бириккан ҳолда, ўтган замон сифатдоши (*прочитавший, прочитанный*) ҳамда тугалланган (совершенный) вид равишдошини шакллантириш (*подумаю*) орқали.

¹⁹Авилова Н.С. Вид глагола и семантика глагольного слова. – М.: Наука, 1976. – С. 23.

Перфект феъллар аниқ, визуал-тахминий, умумий, потенциал, шартли ва шартли гипотетик маъно, ҳаракатнинг бошланиши каби маъноларни ифодалайди.

Имперфект феъллардан перфект феъллар ясалишининг бир неча усуллари мавжуд: префикс қўшиш (*писать* – *написать*), қўшимчаларни қисқартириш (*открывать* – *открыть*), аффиксларни алмаштириш (*усваивать* – *усвоить*), қўшимчаларни алмаштириш ва ўзакда ҳарфларнинг навбатланиши (*прощать* – *простить*).

Вид категорияси масаласи туркологияда энг мунозарали ва мураккаб масалаларидан биридир. Агар баъзи тилшунос-туркологлар туркий тилларда вид бу – даража кўрсаткичи деб ҳисобласалар, тилшуносларнинг аксарияти вид категориясини асосий феъл ва маъноси ҳисобга олинадиган ёрдамчи феълдан иборат бўлган конструкция деб қарайди²⁰.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўзбек тилида феълларнинг икки види мавжуд, яъни узлуксиз ёки давом этадиган (тугалланмаган ҳаракат) феъл ва тўлиқ (тугалланган ҳаракат) феъл²¹. Бошқа тадқиқотчилар, аксинча, феълларни вид белгиси мавжудлигига қараб турларга ажратишмайди.²² Шунингдек, ёрдамчи феълларни вид маъносига кўра турларга ажратишда ҳам зиддиятлар мавжуд.

Рус тилидаги *совершенный* ва *несовершенный* вид шакллари ҳаракатнинг тугалланганлиги ёки давомлилигини билдиради. Ўзбек тилида тўлиқлик ва давомлилик маъноларини ифодалаш воситаларидан нафақат тўлиқлик ёки давомийликнинг ўзи, балки узлуксизлик ёки маълум маънода тўлиқликни ифодалаш учун ҳам фойдаланилади. Масалан, *ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир*, *бор*, *кел*, *бер* кўмакчи феъллари давомлиликни ифодалайди, лекин уларнинг ҳар бири маълум маънодаги давомлиликни ифодалайди: *ишлаб ётибди* (*усердно работает*) – *ёт* кўмакчи феъли давомлилик маъносини билдириш билан бирга субъект ишга қаттиқ киришганлигини билдиради; *ёзиб бормоқ* (*записывать*) – *бор* кўмакчи феъли йўналиш маъносидаги давомлиликни билдиради.

Агар ҳаракат давомли бўлса, лекин *ёт*, *тур*, *юр*, *ўтир*, *бор*, *кел*, *бер*, кўмакчи феъллари билдирадиган маънодаги давомли ҳаракат бўлмаса, бу ҳаракатнинг давомлилигини ифодалаш учун кўрсатилган феъллардан бирортаси қўлланилмайди. Демак, тугалликни ёки давомлиликни билдирувчи бу кўмакчи феъллар ҳар доим ҳам давомлиликнинг ўзини ифодаловчи восита сифатида қўлланилмайди. Рус тилида эса феълнинг *несовершенный* ва *совершенный* видни ҳосил қилувчи шакллар фақат шу маънони (тугаллик ва давомлилик) ифодаловчи воситалар ҳисобланади.

²⁰Харисов А. Категория глагольных видов в башкирском языке. – Уфа, 1944. – С. 3; Маманов И.Е. Вспомогательные глаголы в казахском языке. – Алма-Ата, 1949. – С. 69-72; Содик Фердаус. Феълларнинг вид категорияси // Ўзбек тили масалалари: В.И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг илмий асарлари. – Тошкент, 1957. – Б. 84-93.

²¹Харисов А. Категория глагольных видов в башкирском языке. – Уфа, 1944. – С. 3.

²²Юлдашев А.А. Система словообразования и спряжение глагола в башкирском языке. – М., 1958. – С. 81-86; Маманов И.Е. Вспомогательные глаголы в казахском языке. – Алма-Ата, 1949. – С. 69-72.

Ўзбек тилида тугаллик ва давомлиликни билдирувчи ёрдамчи феъллардан фойдаланмасдан ҳам ҳаракатнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлигини (*ташланди – бросился, ўтди – прошёл*) ифодалаш мумкин.

Шунинг учун тугаллик ва давомлилик маъносини ифодаловчи ўзбек кўмакчи феълларини рус тилидаги *совершенный* ва *несовершенный* вид шаклини ҳосил қилувчи формантлар билан бир хил ҳодиса деб ҳисоблаб бўлмайди.

Рус тилида *совершенный вид* феъллари ҳозирги замон шаклларида маҳрум. Бироқ ўзбек тилида кўмакчи феъллар ёрдамида ҳосил қилинган ва ҳаракатнинг тўлиқлигини англатувчи феъл конструкциялари ҳозирги замон шаклида ишлатилиши мумкин:

Иван Николаевич энди то эрталабгача бахтиёр чеҳра билан тинчгина ухлайди ва хотини учун мавҳум, аммо қандайдир дабдабали ва саодатли тушлар кўриб ётади (М. Булгаков “Уста ва Маргарита”. К. Мирмухаммедов тарж.). – *Иван Николаевич теперь будет спать до утра со счастливым лицом и видеть неизвестные ей, но какие-то возвышенные и счастливые сны* (М. Булгаков «Мастер и Маргарита»).

Ўзбек тилида рус тилидаги каби феълларнинг вид категорияси ҳам, феълларнинг *совершенный* ва *несовершенный* вид шакллари мос келадиган шакллар ҳам мавжуд эмас. Бироқ ўзбек тилидаги феълларнинг баъзи замон шакллари орқали рус тилидаги *совершенный* вид феълнинг алоҳида маъноларини ифодалаш мумкин. (*прочитать – ўқиб чиқмоқ: ўқиб чиқаман – ҳозирги-келаси замон, ўқиб чиқяпман – ҳозирги замон, ўқиб чиқмоқдаман – ҳозирги давомли замон, ўқиб чиқдим – аниқ ўтган замон, ўқиб чиққанман – яқин ўтган замон, ўқиб чиққан эдим – аввал ўтган замон*²³).

Ўтган замон маънолари рус тилида род категорияси билан боғлиқ бўлса, ўзбек тилида турли шакллар билан чамбарчас боғлиқ: аниқ ўтган замон шакли - *дим, - динг, - ди, - дингиз, - дилар* қўшимчалари билан. Ҳаракатнинг тугалланганлигини ифодалаш учун *совершенный вид* маъносини берувчи *бўлмоқ, қўймоқ, қолмоқ* каби кўмакчи феъллари қўлланилади. Масалан: *Хў анча кейин эсим кириб улғайганимда, мен бу теракларнинг сир-асроридан воқиф бўлдим* (Ч. Айтматов “Биринчи муаллим”. Зайнаб тарж.). *Позже, много лет спустя, я понял тайну двух тополей* (Ч. Айтматов «Первый учитель»).

Рус тили феълнинг келаси содда замон шакли ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон шакли билан ифодаланади (*жўнаб кетади – поедет*).

Совершенный ва *несовершенный* вид равишдошлари маъноси ўзбек тилида феълнинг дастлабки шаклига *-б (иб),-гач, -гани (-кани) -гунча* аффиксларини қўшиш ёрдамида ясалган равишдошлар орқали ифодаланади (*ўйлаб кўргач – подумав*). Масалан: *Бироз ўйлаб кўргач, у доктордан онасини ҳам касалхонада қолдиришни сўрамоқчи бўлган эди, лекин оғзини очишга ҳам улгурмай қолди, фельдшер хотин уни етаклаб зинадан чиқиб*

²³Гуломов А.Ф. Феъл. – Тошкент, 1954. – С. 25

кетди. (А.П. Чехов “Қочоқ”. Х. Ахророва тарж.). – *Подумав немного, он решил попросить доктора оставить в больнице и мать, но не успел он раскрыть рта, как фельдшерница уже вела его вверх по лестнице* (А.П. Чехов «Беглец»).

Ўзбек тилида вид категорияси йўқлиги сабабли феъл лексемалари негизи улар ифодаловчи ҳаракатнинг тугалланган ёки тугалланмаганлиги жиҳатидан бир-бирига нисбатан қарама-қарши бўлмайди ва барча замон шакллари ҳосил қилади. Совершенный вид маъносини англатувчи феъллар префикслар ёрдамида ҳосил қилинмайди.

Диссертациянинг **“Рус тилидаги тугалланмаган (несовершенный) вид феълнинг семантик-грамматик белгилари ва уларни рўйга чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари”** номли учинчи бобида рус имперфектининг семантик ва морфологик хусусиятлари таҳлил қилинади ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиш усуллари аниқланади.

Рус тилида феълнинг *несовершенный* види семантик иккиликка эга: у ҳаракатни ўз жараёнида акс эттиради²⁴. *Несовершенный* вид хусусияти чегарага етиб бормаслик ёки ўтказиб юбормаслик белгисидадир.

Несовершенный вид феъл сўз шакли (имперфект феъллар) – бу тугалланмаган, узоқ муддатли ҳаракат ёки вақт чегараси бўлмаган ҳолда жараёни акс эттирувчи сўзлар. *Несовершенный* вид ҳаракатнинг бўлинмас яхлитлиги белгисига эга эмас. У қуйидаги маъноларни: аниқ жараён, доимий равишда узлуксиз, иллюстратив-тахминий, чексиз-марталиқ, потенциал, умумлаштирилган-фактик, реляцион (муносабат) маънолари, ҳаракатнинг борлиги ёки йўқлиги маъноси, нутқ вақтида натижа бекор қилиниши, натижали ва натижасиз ҳаракатларнинг такрорланишини акс эттиради.

Несовершенный вид феъллари учта замон шаклига эга: аниқ майлда ҳозирги, ўтган, мураккаб келаси замон шакллари; шарт ва буйруқ майллари шаклларида қўлланилади, ҳозирги ва ўтган замон аниқ сифатдошлари ҳосил бўлади, *-а, -я* қўшимчалари ёрдамида *несовершенный* вид равишдоши ҳосил бўлади; ҳаракат фазасини билдирувчи феъллар билан, *всегда, постоянно, ежедневно, каждый раз, регулярно, без конца* каби жараённинг давомийлигини, такрорланишини кўрсатадиган сўзлар билан бирикади.

Рус тилида *несовершенный* вид феъллари кўпинча имперфективация, шунингдек, унли ва ундош товушлар навбатланиши, урғу ўрнининг алмашиши ҳамда ўзак морфемаларининг супплетивлиги орқали ясалади.

Ўзбек тилида морфологик вид категориясининг йўқлиги ҳаракатни амалга ошириш хусусиятини англатувчи бошқа лингвистик элементларнинг мавжудлиги билан қопланади. Ўзбек тилидаги феъл замон шакллари рус тилидаги феълнинг вид мазмунини баъзи қўшимча маъноларини ифодалаш билан тавсифланади. Замон категорияси ҳаракатнинг реаллика бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқ.

²⁴Виноградов В.В. Русский язык: Грамматическое учение о слове. – М., 1972. – С. 394.

